

# **ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**Кафедра:Педагогика,психология ва уқитиш  
методикаси**

**Фан: Тарбиявий иш методикаси**

**6-маъруза:**

**Мавзу: Ётокхоналарда тарбиявий ишларни ташкил  
этиш ва унинг моҳияти**

**Маърузачи:З.К.Исмаилова**

## РЕЖА:

1. Ёткхоналардаги тарбиявий ишларнинг хусусияти ва мохияти.
2. Тарбиявий соатларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.
3. Ёткхоналарда дарсдан ташкари ўтказиладиган тарбиявий соатларнинг максади ва асосий вазифалари турлари ва тузилиши.

# **Ўқувчилар ётоказоналарида тарбиявий ишларни олиб борувчи ўқитувчилар учун т а в с и я л а р**

- ▶ Ётоказонага келган ҳар бир ўқитувчи шу ҳудудда жойлашган ошхона ва буфетларнинг иш режимини, овқатлар турини ва сифатини текшириш зарур ҳолларда бу ҳақида билим юрти раҳбариятига хабар бериши;
- ▶ Навбатчи ўқитувчи навбатчилик қилаётган ётоказонанинг ўқувчилар кенгаши аъзолари навбатчи билан биргаликда ҳар бир қаватга чиқиб, ошхона, ювениш хонаси, дарс қилиш хоналарини кўздан кечириши;
- ▶ Навбатчи ўқитувчи ётоказонадаги шароитга қараб хоналарга кириб ўқувчилар билан долзарб мавзулар бўйича сухбат ўтказиши ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериши;
- ▶ Ётоказонада навбатчилик давомида содир б ўлган ҳар бир нохуш воқеа ёки сиёсий аҳамиятга молик ҳодисаларни зудлик билан билим юрти раҳбариятига хабар қилиши;
- ▶ Навбатчилик давомида рўй берган ҳодисаларга чора кўриш учун навбатчилик журналида ёзма равишда акс эттириши;
- ▶ Навбатчилик қандай ўтгани бажарилган ишлар ҳақида эртаси куни раҳбарларини хабардор қилиши.

# **Талабалар турар жойи қаватлар ва хоналарга масъул ўқитувчилар вазифаси**

1. ТТЖ, қаватларга ва хоналарга бириктирилған ўқитувчилар, у ерда яшовчи ҳар бир ўқувчининг ф.и.ш., ўқиши босқичи, гурухи, хона номери, қайси вилоятдан келгандылыги ҳақида маълумотга эга бўлиши;
2. Ҳар бир ўқитувчи талабанинг тозалик кунида қатнашганлиги, хоналарга, қаватларга бириктирилған ва жойлар учун жавобгар шахс ҳисобланадилар;
3. Талабалар кенгаши аъзолари, ётоқхона маъмурияти билан бирга ойда бир маротаба ётоқхонада яшовчи талабалар билан ҳар хил мавзуда суҳбат ва кечалар ўтказиш, ётоқхонада олиб борилаётган ишларни ёритиб бориш;
4. Назорат қилганида учраган хўжалик ишларига тегишли бўлган камчиликларни ётоқхона бошлиғига, талабалар кенгашига маълум қилиш;
5. Ётоқхонада яшаш тартиб қоидаларига бўйсунмаган ўқувчиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш ва ётоқхоналарда яшашдан маҳрум қилиш;
6. Ҳар бир ўқитувчи ётоқхонадаги навбатчилик кунига узурли сабабсиз келмаса, унга нисбатан қатъий чора кўрилади.

# Ёткхоналарда дарсдан ташкари тарбиявий ишларни режалаштириш

| <i>T.р</i> | <i>Тадбирнинг<br/>номланиши</i> | <i>жавобгар<br/>шахс</i> | <i>Бажарилиш<br/>муддати</i> | <i>Бажарилгани<br/>хакида<br/>маълумот</i> |
|------------|---------------------------------|--------------------------|------------------------------|--|
| 1.         |                                 |                          |                              |  |
|            |                                 |                          |                              |  |



# Ётөңхона қаватлари ва хоналари үртасида ўзаро мусобақа


Мусобақанинг мақсади.



Мусобақага раҳбарлик қилиш




Мусобақани ёритиш йўллари



Мусобақа кўрсатгичлари



Мусобақа натижалари



Мусобақа қатнашчиларини рағбатлантириш



# *Тарбиявий ишларни такомиллаштириш*

Такомиллаштириш асосан дарс, тарбиявий соатлар, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни ўз ичига олган педагогик жараён ҳамда унинг моҳияти, мазмуни, шакл ва услублари юқори сифат кўрсатгичи билан такомиллаштиришга, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қизиқишиларини шакллантиришга, шахсий йўналиш бўйича кўлга киритиладиган тажриба ютукларига қараб белгиланади ва амалга оширилади. Бу ўқитувчининг шахсий сифати, унинг ижодкорлигига, маданиятлилик даражасига, ҳамда касбий маҳоратини рўёбга чиқариш, унга яратиб берилган ижодиёт ва имкониятларга боғлиқдир.

*Юз минг отлик аскар қила олмаган ишини бир тўғри тадбир билан амалга ошириши мумкин. (АМИР ТЕМУР)*



# *Тарбиявий соатлар*

---

*Тарбиявий соатлар* – тарбиячи мураббийларнинг ижодий изланиши, ўз педагогик маҳоратининг намойишидир. Унда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўрганишига, тарбиявий – ташкилий ишларни демократлаштиришга, инсонпарварлаштиришга, ўқитувчи–ўқувчи - мураббийларнинг эркин мулоқатига кенг йўл берилган. Ҳозирги кунда тарбияга оид инсониятнинг бой маънавий хазинасидан муносаб ўрин олган тарихий, миллий – маданий меросимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизга бениҳоя катта хурмат , эътибор ва эҳтиром билан қараш ва улардан ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда самарали фойдаланиш биз ўқитувчилар учун фарздир.



# *Гурух мураббийларининг иш юритиши хужожатлари*

---

*1.1. Ўқувчининг анкетаси*

*1.2. Ўқишидаги маълумотлар*

*1.3. Ўқишижараёнидаги маълумотлар*

*2.1. Мураббийлик иш режаси*

*2.2. Ўқиши жараёнида тўлдирилалиган  
маълумотлар*



# *Гуруҳ тарбиявий соатлари*

## *наъмунавий режасининг тузилиши*

| <i>№</i> | <i>Кисмлар</i>                       | <i>Асосий қисм ва мавзуларнинг қисқача мазмуни</i> | <i>Маъсул киши (шахс)</i>             |
|----------|--------------------------------------|--|---------------------------------------|
| 1        | 3                                    | 4  | 5                                     |
| 1        | <i>Кириш<br/>3–5 мин.</i>            | <i>1 ...талаба<br/>2... талаба</i>                 | <i>гуруҳ раҳбари олиб борувчи</i>     |
| II       | <i>Асосий қисм<br/>(15-20 мин)</i>   | <i>1. талаба<br/>2 талаба</i>                      | <i>олиб борувчи талаба А талаба В</i> |
| III      | <i>Бадий қисм<br/>(5-10 мин)</i>     | <i>1. Талаба<br/>2. Талаба</i>                     | <i>олиб боувчи гуруҳ сардори</i>      |
| IV       | <i>Якунловчи қисм<br/>(5-10 мин)</i> | <i>1. Талаба<br/>2. Талаба</i>                     | <i>гуруҳ сардори олиб борувчи</i>     |

# Кўрик-танловлар турлари

Кўрик-танловлар ёткооналарда хар ўқув йилида турли хил мавзулар асосида ўтказилади. Масалан:

- ▶ «Хаёт она алласидан бошланади»,
- ▶ «Фарзанд камоли-Ватан жамоли»,
- ▶ «Ётокхона уз уйим»,
- ▶ «Аёл хаёт гултожи»,
- ▶ «Энг яхши ошпаз»,
- ▶ Узбек оши танлови (вилоятлар ош турлари буйича)

# **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Ётоқхонадаги тарбиявий ишларнинг моҳияти нимада деб биласиз?
2. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларга нималар киради?
3. Ўқувчилар кенгаши аъзоларининг асосий вазифаларига нималар киради?
4. Ётоқхонадаги ўқувчилар кенгашининг қандай вазифалари мавжуд?
5. Ётоқхоналарда тарбиявий ишларни амалга оширадиган қандай шульбалар мавжуд?
6. Ўқувчилар кенгашининг иш режаси қандай шаклда тузилади?
7. Ётоқхоналарда тарбиявий ишларни олиб борувчи ўқитувчиларнинг вазифалари нималардан иборат?
8. Тарбиявий соатларни қандай қисмларга бўлиб олиб бориш мумкин?
9. Ўқувчиларнинг Ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?
10. Тарбиявий соатларни иш режаси қандай тузилади?

## АДАБИЁТЛАР:

1. Чориев Р.К, Каримов А.О « Ётоқхоналарда тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича тавсиялар».ТИ+ХМИИ. 1995.
2. Ю.П.Азаров. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент, ўқитувчи, 1991.
3. К.Хошимов., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент.Ўқитувчи, 1995.
4. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур талабаларига мувофиқ ўқув юртларида баркамол авлод тарбиясини янада шакллантириш тадбирлари. Тошкент –1998.
5. С.Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.Т.,Ўқитувчи, 1997.
6. Донишмандлар одоб аҳлоқ тўғрисида.Тошкент, Ўқитувчи, 1986.
7. Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. Тошкент, «Ёш гвардия»,1973.
8. С.П.Азаров. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1991.
9. А.Мунавваров . Педагогика. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
10. О.Мусурмонова. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
11. К.Ж.Мирсаидов, З.К.Исмоилова Тарбиявий соатларни ўtkазиш бўйича тавсиялар.ТИ+ХМИИ.1996
12. З.К. Исмоилова. Педагогикадан амалий машғулотлар.Тошкент «Фан».-2001.
13. Миллий истиқлол ғояси.Тошкент. «Янги аср авлоди».-2001

---

**ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!**

---

